ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МАНСУРОВА ХУЛКАР НАБИЕВНА

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УЎК: 347.9:340.13(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Мансурова Хулкар Набиевна
Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштириш 3

Мансурова Хулкар Набиевна
Совершенствование процессуальных гарантий реализации задач гражданского судопроизводства 27

Mansurova Khulkar Nabievna
Improvement of procedural guarantees for the implementation of the tasks of civil proceedings 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....53

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МАНСУРОВА ХУЛКАР НАБИЕВНА

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Yu1303 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Иноятова Сохиба Фозиловна** юридик фанлар доктори, доцент
	Азизов Насимбек Абдумухторович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 25 ноябрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (107-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871)202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил 12 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 12 ноябрь кунидаги 26-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Кучкаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

А.С.Одинаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда World Justice Project ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of Law Index)нинг 2025 йилги ҳисоботи маълумотларига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, фуқаролик ва жиноий одил судловда қонунийликни таъминлашда дунё мамлакатларининг 68 фоизида қонун устуворлиги кўрсаткичлари ёмонлашган, 2024 йилда бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этган эди[1]. Ўзбекистон Ҳуқуқ устуворлиги индексида 2024 йилда 140 та давлат орасида 78-ўринни эгаллаган бўлса,[2] 2025 йилги рейтингда Ўзбекистонинг "Civil Justice" кўрсаткичи 143 давлат ичида 73-ўринни эгаллаб барча бўйича кўрсаткичларида яхшиланиш кузатилди[3]. Юқоридаги натижаларга эришишда Ўзбекистонда устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан мақсадли ишлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари яратилгани ҳам ёрдам бермоқда. Бу айрим соҳаларда ижобий силжишлар мавжудлигини кўрсатсада, бироқ, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш[4] каби фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштиришнинг долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳонда ҳар кимга бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқини кафолатлаш, судлар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, суд тартиб-таомилларини соддалаштириш, электрон судловни жорий этишга қаратилган процессуал механизмларни жорий этиш масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда[5]. Фуқаролик одил судлови бўйича мамлакатлар рейтинги таҳлили шундан далолат берадики, суд қарорларининг ўз вақтида, тўғри ва ошкора чиқарилиши қонунийлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади, бироқ фуқаролик ва жиноят одил судловининг ҳукуматнинг ножўя таъсиридан холи эканини ўлчайдиган индикаторлар тегишлича дунё мамлакатларнинг 2023 йилда 61% да, 2024 йилда 67% да ва 2025 йилда 62% да бу кўрсаткич ёмонлашганини кўрсатади[6].

Ўзбекистонда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2022 йилда 863 883 та, 2023 йилда 943 892 та, 2024 йилда 1 497 184 та ва 2025 йилда 2 169 425 та, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида 963 273 та ишлар кўрилган[7]. Бу эса, судларда кўрилаётган фуқаролик ишларининг сони йилдан-йилга тез суръатларда ортиб бораётганлигидан далолат беради. Суд амалиётида фуқаролик ишларининг ортиб, турли кўриниш ҳосил

[1] https://worldjusticeproject.org/news/wjp-rule-law-index-2025-global-press-release#:~:text=About%20the%20WJP%20Rule%20of,media%2C%20and%20civil%20society%20organizations

[2] https://www.senat.uz/oz/post/post-2468.

[3] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2025/Civil%20Justice/

[4] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2025/Uzbekistan?utm_source= chatgpt.com

[5] https://worldjusticeproject.org/about-us/overview/what-rule-law

[6] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2025/Civil%20Justice/table

[7] https://stat.sud.uz/assets/uploads/civil/pdf/civil-2026-6.pdf

қилаётганлиги ҳамда мазкур масала турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, ўз навбатида фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида, шу жумладан ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммоларни, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга процессуал имтиёзлар бериш, бепул юридик ёрдам тизимини шакллантириш, электрон даъво аризаларини соддалаштириш, суд ишларини тўлиқ рақамлаштириш, ишларни автоматик тақсимлаш тизимини янада такомиллаштириш, судьяларнинг ҳисобдорлиги ва одоб-ахлоқ стандартларини янада кучайтириш ва очиқ статистик маълумотлар базасини шакллантириш орқали фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), “Судлар тўғрисида”ги Қонун (2021)”, “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2025) ҳамда “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2026), “Одил судлов – 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида”ги (2026) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштириш Ш.Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, С.А.Якубов, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, О.Ш.Пирматов, А.А.Хакбердиев, С.А.Марипова, К.К.Олимова, Х.А.Кучқаров, М.М.Тажибоев ва Б.А.Умарова каби олимларнинг тадқиқот ишларида айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари ва кафолатлари билан боғлиқ масалалар у ёки бу даражада ёритилган. Масалан, М.М.Мамасиддиқов томонидан фуқаролик процессининг босқичлари фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини амалга ошириш, фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, профессор З.Н.Эсанова болалар

тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўришда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг айрим процессуал кафолатларини тадқиқ этган. Профессор Э.Эгамбердиев суд ишларини юритишда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг процессуал воситаларини тадқиқ этган, С.А.Якубов фуқаролик процессида тарафлар иштирокига оид айрим масалаларни, Д.Ю.Хабибуллаев эса фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал муаммоларини ўрганган.

МДҲга аъзо мамлакатларда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари билан боғлиқ масалалар О.А.Сухорукова, Г.Л.Осокина, Н.Н.Ткачева, А.Б.Габриянчик, И.В.Решетникова, А.А.Мохов, И.В.Воронцова, С.Ю.Семёнова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хусусан, В.Н.Хазикова "Арбитраж судларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш иштирокчилари учун процессуал кафолатлар" мавзусида, И.А.Хасаншин "Биринчи инстанция арбитраж судида иш юритиш иштирокчилари ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари", С.Ф.Афанасьев "Одил судловга бўлган ҳуқуқ: инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясини Россия фуқаролик судида кўришга таъсирини назарий ва амалий ўрганиш" О.П.Чудаева "Суд муҳокамаси босқичида фуқароли суд ишларини юртишнинг вазифаларини амалга ошириш" масаласини тадқиқ этган.

Хорижий олимлар D.Harris, M.O'Boyle, E.Bates, B.M.Gongalo, P.C.Magalhaes, H.Khalid, H.Djanggih ва бошқалар томонидан мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган[1].

Бугунги кунда юқоридаги тадқиқотлар, шубҳасиз, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бироқ кўриб турганимиздек, мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган "Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари" (2023–2025) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

[1] Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларининг назарий-ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш;

фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда процессуал кафолатлар тушунчаси ва унинг моҳияти, таснифини таҳлил қилиш;

фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг процессуал кафолатлар билан ўзаро алоқадорлигини ўрганиш;

фуқаролик процессида тарафлар ва унинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини таҳлил қилиш;

фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал муддатлар ва уларга амал қилиш кафолатларини тадқиқ этиш;

фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлашнинг процессуал кафолатларни амалга оширишдаги хусусиятларини ўрганиш;

фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари сифатида суднинг хусусий ажримлари ва уларнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;

фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда судлар фаолиятига сунъий интеллект жорий этиш истиқболларини аниқлаш;

фуқаролик процессининг тезкорлигини таъминлашда сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришнинг зарурати ва аҳамиятини очиб бериш;

фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини қўллаш соҳасида юзага келган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилиги, бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш бўйича суд амалиёти, шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот, мантиқий, таҳлилий, тарихий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари билан сўровлар ўтказиш, миллий нормаларни шарҳлаш, суд амалиётига оид материалларни умумлаштириш ҳамда статистик маълумотлар таҳлили услубидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судларда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш босқичида қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар қонун билан тартибга солинишига қараб процессуал (хусусий ажрим) ва процессуал бўлмаган чоралар (судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштиришлар ўтказиши, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориши (аҳоли ўртасида

маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва ҳ.к.)га ажратилиши асослантирилган;

фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат барча субъектларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу орқали жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари эса фуқаролик ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини, қонуний суд ҳужжатларининг чиқарилишини, уларнинг ижро этилишини таъминлашдан иборат бўлиши асослантирилган;

фуқаролик ишлари бўйича ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга, шунингдек, суд қарорларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига йўл қўйилмаслигини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида белгилаш асослантирилган;

сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор қарорларни қабул қилишда фақатгина сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таянилмаслигини қонунчиликда белгилаш асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ФПКнинг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари билан бир қаторда мақсадларини ҳам назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ушбу моддада фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади сифатида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатлигига оид таклифи илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган;

ФПКнинг 12-моддаси бешинчи қисмига суднинг ёпиқ мажлисида ишни электрон тарзда шакллантиришга, шунингдек, суд қарорларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига йўл қўйилмаслигини белгилашга оид таклифи асослантирилди;

Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини процессда эгаллаган ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш ва шу асосда уларни гуруҳларга ажратиш, бир тизимга солиш мақсадида ФПКнинг “Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари” деб номланган 6-бобининг тузилиши ва конструкциясини қайта кўриб чиқиш ва ушбу бобда умумий қоидалар, тарафлар, учинчи шахслар, вакиллар, прокурор, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва

айрим фуқаролар, ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмайдиган шахслар, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад этиш каби ҳуқуқий асосларни белгилашга оид таклифи илмий-амалий асослантирилган;

ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар ва ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмаган шахслар гуруҳига ажратиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳақидаги таклифи илмий асослантирилган;

ФПКнинг “Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари” деб номланган 2-бобига “Судда иш юритиш ва суд қарорларини ижро этишда оқилона муддат” номли янги модда киритиш ва унда юқоридаги муддатларни қўллаш асослари, тартиби ва ўзига хос жиҳатларини мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифи илмий-амалий асослантирилган;

ФПКнинг 80-моддасига судлар фуқаролик ишлари бўйича қабул қилаётган ҳал қилув қарорларини қабул қилишда фақатгина сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таянилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги нормани киритиш таклифи асослантирилган;

ФПКга “Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда иш юритилишидан ҳуқуқий манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳаракатлари” деб номланган янги 201^1-модда киритиш ва унда ишни суд муҳокамасига тайёрлашда даъвогар, даъвогар тарафидаги учинчи шахс ёки уларнинг вакиллари, шунингдек жавобгар, жавобгар тарафидаги учинчи шахс ёки уларнинг вакиллари амалга оширадиган процессуал ҳаракатларни назарда тутиш таклифи асослантирилган;

ФПКнинг 208-моддаси, олтинчи қисмига суд процесси иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш билан бирга стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эгалиги юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифи асослантирилган;

хусусий ажрим орқали қонунбузилишига ўз вақтида муносабат билдиришни йўлга қўйиш, бу борада масъулиятни ошириш ҳамда ушбу жараёнда ишда иштирок этувчи шахслар иштирокини кенгайтириш мақсадида ФПКнинг 275-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда: “Ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига биноан хусусий ажрим (қарор) чиқаришга ҳақлидир.” баён этилиши ҳақидаги таклифи асослантирилган:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сон қарорига ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга, шунингдек, суд қарорларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига йўл

қўйилмаслиги ҳақида ўзгартириш қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифи асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон қарорини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибасини ўрганиш асосида ҳамда социологик тадқиқотлар, тадқиқот доирасида 4684 нафар прокуратура органлари ходимлари, 105 нафар судьялар ўртасида ўтказилган анкета сўровномаси натижалари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб (https://sud.uz/) сайтидан олинган статистик маълумотларни таҳлил қилинган ва натижалари умумлаштирилган, олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, эришилган натижаларининг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини такомиллаштиришга оид илмий фаолият, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида, қонунни қўллаш амалиётида, судлар фаолияти ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришда қўлланиши мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар дарсликлар, ўқув қўлланмалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасига оид таълим жараёнини бойитишда, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар олиб боришда амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари, айрим туркумдаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари каби модулларини ўқитиш, суд, прокуратура ва адвокатлар учун, шунингдек медиаторлар учун амалий қўлланмалар тайёрлаш, Олий суд Пленуми қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

судларда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш босқичида қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар қонун билан тартибга солинишига қараб процессуал (хусусий ажрим) ва процессуал бўлмаган чоралар (судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштиришлар ўтказиши, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориши (аҳоли ўртасида маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва ҳ.к.)га ажратилишига доир концептуал ғоя ва таклифлар “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” номли дарсликда ўз ифодасини топган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2026 йил 18 февралдаги №7-838224-сонли далолатномаси)*. Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши суд ишини самарали олиб бориш, эҳтимолий

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим механизм сифатида хизмат қилиш билан бирга мутахассислик бўйича таълим олаётган юридик олий таълим муассасаларининг талабалари ва тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети тингловчилари, шунингдек фуқаролик ишларни кўриш ва ҳал қилиш ваколатига эга органлар ходимларининг билим, маҳорат ва кўникмалари шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат барча субъектларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу орқали жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари эса фуқаролик ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини, қонуний суд ҳужжатларининг чиқарилишини, уларнинг ижро этилишини таъминлашдан иборат бўлишига доир концептуал ғоя ва таклифлар “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” номли дарсликда ўз ифодасини топган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2026 йил 18 февралдаги №7-838224-сонли далолатномаси)*. Бу эса фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади ва вазифаларининг ўзаро фарқли жиҳатларини аниқлаштиришга хизмат қилган;

фуқаролик ишлари бўйича ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга, шунингдек, суд қарорларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарори 8-бандининг, бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 15 июлдаги 08/317-25-сон далолатномаси)*. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши фуқаролик процессида тарафлар ва унинг субъектив ҳуқуқларини қўшимча равишда ҳимоя қилиш имконини яратишга хизмат қилган;

сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор қарорларни қабул қилишда фақатгина сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таянилмаслигига оид таклифидан 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2025 йил 2 сентябрдаги 04/4-08/3376-сон далолатномаси)*. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши мамлакатимизда сунъий интеллект инсон ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлиги учун юзага келтириши мумкин бўлган таҳдидларни олдини олишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та дарслик, 1 та монография, 12 та илмий мақола (4 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 таси хорижий нашрларда 5 та миллий ва халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 9 та параграфни ўзида жамлаган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг **“Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари тушунчаси, мазмуни ва тавсифи”** деб номланган биринчи бобида диссертант томонидан турли даврларда (1963, 1998 ва 2018й.й.) мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекслари (ФПК)да мустаҳкамлаб қўйилган суд ишларини юритиш вазифалари таҳлил қилинган. Муқаддам суд ишларини юритиш вазифалари ижтимоий тузумни, социалистик хўжалик тизимини ва социалистик мулкни муҳофаза қилишни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясидан устун қўйганлиги танқидий таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКда назарда тутилган вазифалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида кўрсатилган “ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”, деб кўрсатилган нормаларига мувофиқ келиши ҳақида хулоса илгари сурилган.

Диссертант фуқаролик суд ишларини юритишда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш - бу суд фаолияти жараёнида иштирок этувчи шахслар томонидан ҳуқуқ нормаларининг бузилишини бартараф этишга қаратилган, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган чора-тадбирлар мажмуаси эканлигини, судлар томонидан

амалга ошириладиган профилактик чоралар, қонун билан тартибга солинишига қараб процессуал (хусусий ажрим, сайёр суд мажлислари) ва процессуал бўлмаган чоралар (судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштиришлар ўтказиши, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориши, аҳоли ўртасида маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва ҳ.к.)га ажратилиши ҳақида хулосаларини илгари суради.

Тадқиқотчи қонун чиқарувчи суд ишларини юритиш вазифаларини фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан, суд ишларини юритиш мақсадларини эса ишни кўриб чиқиш жараёнига жалб этилган турли субъектларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлаган (М.Мамасиддиқов, П.Д.Печегина, П.Д. Багрянская), деган фикрни таҳлил қилиб, айрим хорижий давлатлар (Қирғизистон) ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари алоҳида-алоҳида назарда тутилганлигини қўшимча равишда асослаган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат барча субъектларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу орқали жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари эса фуқаролик ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини, қонуний суд ҳужжатларининг чиқарилишини, уларнинг ижро этилишини таъминлашдан иборат бўлиши лозим, деган хулосани илгари суради. Шунингдек, ФПКнинг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари билан бир қаторда мақсадларини ҳам назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослантирилган.

Диссертант ФПКнинг 249-моддасида суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши лозимлиги белгиланганини қайд этади. Шу билан бирга, фуқаролик процессуал қонунчиликда ҳал қилув қарорининг *адолатли бўлиши* тушунчасига нисбатан махсус норма мавжуд эмаслиги таъкидланади. Илмий таҳлиллар (О.Окюлов, М.М.Мамасиддиқов, Д.А.Неволин, Б.М.Гонгало, P.C.Magalhães, H.Khalid, А.Р.Султанов, Н.Н.Ткачева, C.Buckley) натижасида муаллиф суд ҳал қилув қарорининг адолатли бўлиши талаби ҳуқуқий доктринада шаклланган мутаносиблик ва мувозанатлилик тамойилларининг процессуал ифодаси эканлигини асослайди. Муаллиф фикрича, ҳал қилув қарорининг адолатли бўлиши тарафлар ўртасида моддий ва процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг оқилона ва мутаносиб тақсимланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, суд қарорини қабул қилиш жараёнида судьянинг касбий малакаси, ахлоқий фазилатлари, ички ишончи ҳамда умумий адолат туйғусининг намоён бўлишини назарда тутади ва ФПКнинг “Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ечиладиган масалалар” номли 251-моддасига юқоридаги қоидани киритишни таклиф қилади.

Тадқиқот ишида фуқаролик процессуал кафолатлар ва уларни амалга ошириш механизмининг бир қатор элементлари илгари сурилган. Диссертант

суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқни, ҳуқуқий кафолатларга оид доктринал таснифлар ҳамда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширувчи процессуал кафолатларнинг таснифлаш лозимлигини асослантирган. Муаллиф процессуал-ҳуқуқий кафолатлар суд ишларини юритиш вазифалари ва мақсадларига эришишга қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган воситалар ва улар асосида белгиланадиган усуллар мажмуи бўлиб, суд ишларининг кўрилишида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизм эканлиги ҳақида хулосани илгари сурган.

Диссертант юридик адабиётларда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширувчи процессуал кафолатларни туркумлаш ва унинг тизими ҳақида билдирилган фикрларни (Л.Д.Кокорев, М.И.Байтин, Н.Н.Ткачева, О.В.Белянская) таҳлил қилган ҳолда ушбу кафолатларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади:

1) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш;

2) тарафлар ва учинчи шахсларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган субъектив ҳуқуқларини амалга оширилиши;

3) фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

4) фуқаролик суд ишларини юритишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш.

Тадқиқотчи ишда фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг процессуал кафолатлар билан ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилган ҳолда ишларнинг ошкора кўрилиши фуқароларга иш билан бевосита танишиш, судьялар фаолияти жамоатчилик назоратида бўлиши ва бу эса фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлаши ҳақида хулосага келади. Муаллиф ФПКнинг 208-моддасига суд ишларини юритиш иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш билан бир қаторда стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ эканлигини, ушбу қоиданинг киритилиши суд мажлиси тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаши, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишини, бу эса охир-оқибат судда ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлашга, бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ҳимоясини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилиши ҳақида хулоса қилади.

Диссертациянинг “**Фуқаролик процессуал кафолатларни амалга оширувчи институтлар ва уларни амалга ошириш механизмлари**” деб номланган иккинчи бобида, диссертант фуқаролик процессида тарафлар ва унинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал муддатлар ва уларга амал қилиш кафолатлари ҳамда фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлашнинг процессуал кафолатларни амалга оширишдаги хусусиятларини таҳлил қилади.

Диссертант ФПКнинг 43-моддасида “даъвогар (ариза берувчи)” жумласи ишлатилганлигига эътибор қаратар экан, адабиётларда илгари сурилган ишнинг якунидан шахсан ҳуқуқий манфаатдор бўлишнинг ўзи ишда иштирок этувчи шахслар орасидан тарафларни аниқлаб берувчи асосий белгиларидан бири ҳисобланиши ҳақидаги фикрни баҳсли деб ҳисоблайди ва ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс атамасига фуқаролик процессуал қонунчилигида батафсил таъриф бериб ўтилиши таклиф қилади. Унинг фикрича, фуқаролик процессуал қонунчиликда ушбу шахсларга таърифнинг берилиши, биринчидан, ушбу шахслар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишни ва улар таркибини тўғри белгилашни таъминлайди, иккинчидан, фуқаролик процесси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқлаштиради, учинчидан эса, судга мурожаат қилган шахсларнинг даъво аризаларини қабул қилишни судлар томонидан асоссиз рад этиш ҳолатларининг олдини олади.

Тадқиқотчи фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини процессда эгаллаган ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш ва шу асосда уларни гуруҳларга ажратиш, бир тизимга солиш мақсадида ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар ва ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмаган шахслар гуруҳига ажратиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш таклифини илгари суради.

Тадқиқотчи фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал муддатлар ва уларга амал қилиш кафолатларини таҳлил қилар экан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда айрим хорижий давлатлар (Венгрия, Португалия, Греция, Россия Федерацияси) қонунчилик тажрибаси асосида суд муҳокамасининг оқилона муддати бузилганлиги учун тўлов ундириш институти инсоннинг суд орқали ҳимояланишини кафолатлашга қаратилган ҳуқуқининг ажралмас қисми, деб ҳисоблайди ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг “Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари” деб номланган 2-бобига “Судда иш юритиш ва суд қарорларини ижро этишда оқилона муддат” номли янги модда киритиш таклифини асослантиради.

Диссертант судда иш кўрилишининг сифати, фуқаролик процессининг тез ва аниқ бўлиши кўп жиҳатдан фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлашга боғлиқ эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг аҳамиятини ошириш мақсадида ФПКнинг 201-моддасида ҳар бир фуқаролик иши юзасидан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичининг мажбурий эканлигини тўғридан-тўғри белгилашни, ФПКга “Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда иш юритилишидан ҳуқуқий манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳаракатлари” деб номланган янги 201^1-модда киритиш ва унда ишни суд муҳокамасига тайёрлашда даъвогар, даъвогар тарафидаги учинчи шахс ёки уларнинг вакиллари, шунингдек жавобгар, жавобгар тарафидаги учинчи шахс ёки уларнинг вакиллари амалга оширадиган процессуал ҳаракатларни назарда тутишни таклиф қилади.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш

тўғрисида”ги 26-сон қарорини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва унинг муқаддимасида суд амалиётида учраётган камчиликлар таҳлили, Пленум қарорини қабул қилиш зарурати батафсил баён этилишини таклиф қилган.

Диссертациянинг “**Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг устувор йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида диссертант фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда судлар фаолиятига сунъий интеллект (СИ)ни жорий этиш истиқболлари, фуқаролик процессининг тезкорлигини таъминлашда сиртдан ҳал қилув қарори ва суднинг хусусий ажримлари масаласини таҳлил қилади.

Диссертант мамлакатимизда СИ инсон ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлиги учун юзага келтириши мумкин бўлган таҳдидларни олдини олиш мақсадида ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида СИдан фойдаланишни тартибга солувчи янги норма киритиш таклиф қилинган. Унга кўра, СИдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва СИ технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор қарорларни қабул қилишда фақатгина СИдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва СИ технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таянилмаслиги лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилиши таклиф қилинади.

Тадқиқотчи хорижий давлатлар (ГФР) фуқаролик процессуал қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, тарафларнинг, шу жумладан даъвогарнинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик меъёрларини ошириш, низоларга рухсат берилишини тезлатиш, шунингдек суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларни суд иш юритувида тўпланиб қолишини олдини олиш мақсадида даъвогар келмаган тақдирда ҳам жавобгарнинг розилиги билан фуқаролик ишини сиртдан кўриб чиқиш мумкинлигини мамлакатимиз ФПКда белгилаш таклифини илгари суради.

Диссертацияда судлар томонидан чиқариладиган хусусий ажримларнинг фуқаролик процессуал кафолатларни амалга оширишдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, хусусий ажрим орқали қонунбузилишига ўз вақтида муносабат билдиришни тўғри йўлга қўйиш, бу масъулиятни ошириш ҳамда ушбу жараёнда ишда иштирок этувчи шахслар иштирокини кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз ФПКнинг 275-моддаси биринчи қисмини “Ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига биноан хусусий ажрим (қарор) чиқаришга ҳақлидир” деган таҳрирда баён этиш таклиф қилинади.

Диссертант мамлакатимиз ФПК 275-моддаси, ИПКнинг 200-моддаси ва МСИЮтКнинг 174-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, хусусий ажримлар нафақат давлат органининг ёки бошқа органнинг, юридик шахснинг,

мансабдор шахснинг, балки фуқаронинг фаолиятида ҳам қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳам чиқарилиши мумкинлигини, бироқ мамлакатимиз ЖПКнинг 298-моддасига кўра, хусусий ажримлар тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахсларга нисбатан чиқарилиши белгилаб қўйилганлигини, шу ўринда МЖтКнинг 181-моддасида суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик учун фақат мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши назарда тутилганлигини кўрсатади. Диссертант бу борада Беларусь қонунчилигини таҳлил қилар экан, суднинг хусусий ажрими фуқароларга нисбатан чиқарилмаслигини, бу турдаги ажримлар нафақат давлат органлар ва унинг мансабдор шахсларига, балки юридик шахсларга ҳам юборилишини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ФПК 275-моддаси, ИПКнинг 200-моддаси ва МСИЮтКнинг 174-моддасидан фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли, деган нормани чиқариш лозимлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар.

1. Суд ҳал қилув қарорларнинг адолатли бўлиши талабига нисбатан ўзининг муаллифлик қарашлари ишлаб чиқилган. Унга кўра, суд ҳал қилув қарорларнинг адолатли бўлиши талаби шундан иборатки, унга кўра, адолатлилик суд қарорининг қонунийлиги ва асослилиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама ҳисобга олишни, тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни мутаносиб тақсимлашни ҳамда судьянинг ахлоқий ва касбий фазилатлари, ички ишончи, умумий адолат туйғусини акс эттиради.

2. ***Фуқаролик суд ишларини юритишнинг кафолатлари*** - бу фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фуқаролик процессининг барча босқичларида ҳимоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқий воситалар ва усуллар тизимидир.

3. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг кафолатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган фуқаролик процессининг барча босқичларида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг фаолиятини

кафолатлашга қаратилган ва уни самарали амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб-таомиллар тушунилади.

4. Фуқаролик процессуал кафолатларни амалга ошириш механизми қуйидаги элементлардан иборат бўлиши тўғрисида хулосага келинди:

биринчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилинганлиги;

иккинчидан, процесс иштирокчиларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳажми, мазмуни ва улардан фойдаланиш доирасини белгилаб берувчи нормалар;

учинчидан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиши, уларни ҳимоя қилиш жараёнида қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқий воситалар;

тўртинчидан, процесс иштирокчилари томонидан уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлган органлар (мансабдор шахслар)нинг белгилаб қўйилганлиги;

бешинчидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ процесс иштирокчиларига ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконининг берилиши;

олтинчидан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларни бузилишига қарши ҳуқуқий воситаларнинг мавжудлиги ва муайян шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш.

5. Тадқиқотчи суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқни, ҳуқуқий кафолатларга оид доктринал таснифлар ҳамда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширувчи процессуал кафолатларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш;

- тарафлар ва учинчи шахсларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган субъектив ҳуқуқларини амалга оширилиши;

- фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

- фуқаролик суд ишларини юритишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш.

6. Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини процессда эгаллаган ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш ва шу асосда уларни гуруҳларга ажратиш, бир тизимга солиш мақсадида ФПКнинг “Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари” деб номланган 6-бобининг тузилиши ва конструкциясини қайта кўриб чиқиш, мазкур бобни алоҳида бўлим (ёки кичик бўлим)га айлантириш ва унда умумий қоидалар, тарафлар, учинчи шахслар, вакиллар, прокурор, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар, ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмайдиган шахслар, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад этиш каби бобларни назарда тутиш лозимлиги асослантирилган.

7. ФПКнинг 39-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларини ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлган шахслар ва ишнинг натижасидан юридик манфаатдор бўлмаган шахслар гуруҳига ажратиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш таклифи асослантирилган.

II. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

8. Фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этишнинг муҳим аҳамият касб этишини ҳамда миллий процессуал қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари билан ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида, шунингдек хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ва илмий адабиётлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддаси номини "Фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари" деб ўзгартириш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

"2-модда. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсад ва вазифалари.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

суд ҳужжатларининг қонуний чиқарилишини ва суд ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш,

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш;

қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш."

9. Мамлакатимиз ФПКнинг 3-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда ифодалаш таклиф этилди:

"Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш қонунга зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, ҳақиқий эмас, манфаатдор томонларнинг ўзаро розилиги билан бузилган ёки низоли ҳуқуқни ҳимоя қилиш тўғрисидаги низоси қонунда белгиланган ҳолларда улар томонидан ҳакамлик судига ёки медиатор (медиаторлар) иштирокида ҳал этиш учун берилиши мумкин."

